



ЎЗБЕКИСТОН ПАРАЛИМПИА ҲАРАКАТИ ТАРИХИДА ЯНГИ ЁРҚИН САҲИФА

Ўзбекистон спорт делегацияси Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида бўлиб ўтган V ёшлар Пара Осиё уйинларида муваффақиятли иштирок этишди.

Таъкидлаш жоиз, мазкур нуфузли мусобақада Ўзбекистон ёш пара спортчилари юксак натижа кўрсатиб, 99 та олтин, 57 та кумуш ва 41 та бронза медалини қўлга киритди ҳамда 35 та давлат орасида умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади.

Делегация аъзолари пойтахтимиздаги «Хумо» Тошкент халқаро аэропортида расмийлар томонидан тантанали равишда қутиб олинди. Қутиб олиш маросимида расмийлар, спорт фахрийлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда мухлислар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Дубай шаҳрида бўлиб ўтган V ёшлар Параосиё уйинларида голиб бўлган Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларига табрик йўллади. Унда ушбу ғалаба Ўзбекистон паралимпия ҳаракати тарихида яна бир ёрқин саҳифа очгани таъкидланди.

Президент
табригини
қуйидаги
QR код орқали
ўқинг:



Ахмад Тўра олган суратлар.



Республика Ёшлар ижод саройида Оила ва хотин-қизлар қўмитаси нашри — «Саодат» журналі ташкил этилганининг 100 йиллиги муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамова очиб, журналнинг ижтимоий-маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятига тўхталди. Оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш йўналишида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар инсон қадрини улуғлаш, оила тинчлиги ва маънавий барқарорлиқни таъминлашга хизмат қилаётганини айтиб, мамлакат тараққиётининг муҳим мезони бўлган — «маърифатли жамиятни маърифатли оналар билан қуриш» фояси журнал фаолиятининг устувор ғоя ва стратегиясига айланганини эътироф этди.



Муносабат

ЧИНАКАМ БИРДАМЛИК БОСҚИЧИ

2025 йил 13 ноябрь, 234-сон

СИЁСАТ

ЎЗБЕКИСТОН

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИ ДАВР ОСТОНАСИДА

2025 йили 13 ноябрь куни Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ва аъзолари Тошкентда бўлиб ўтган «Марказий Осиё янги даври оstonасида» тадбирида иштирок этди. Тадбирда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ва аъзолари Тошкентда бўлиб ўтган «Марказий Осиё янги даври оstonасида» тадбирида иштирок этди. Тадбирда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ва аъзолари Тошкентда бўлиб ўтган «Марказий Осиё янги даври оstonасида» тадбирида иштирок этди.

муҳити яратилди. Бир пайтлар қайта-қайта такрорланган «Марказий Осиё чегара масалаларини ҳеч қачон ҳал этиб бўлмайди», деган сафсаталарга бутунлай барҳам берилди. Бу масала узил-кесил ечимини топди. Айниқса, 2025 йилнинг март ойида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида 3 давлатнинг чегаралари туташган нуқта тўғрисидаги шартнома ва Хўжанд декларациясининг имзолангани тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди.

Яқин тарихимизда биринчи марта ўзаро чегаралар ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилди. Бир пайтлар чегара масалаларида тузилган ҳуқуқат комиссиялари йиллаб ечим тополмаган муаммолар тарих қатъига улоқтирилди. Сув, энергетика йўналишида ҳамкорликда ГЭСлар қуриш, трансчегаравий дарёлар, сув омборларидан биргаликда оқилона фойдаланиш концепцияси ишлаб чиқилди.

Президентимиз таъкидлаганларидек, «Амалий ҳаракатларимиз, келажак учун масъулиятимиз, яхши қўшничилик, дўстлик ва ўзаро манфаат тамойилларига содиқлигимиз шуни исботлади. Янги Марказий Осиё тинчлик, барқарор тараққиёт ва яратувчан шериклик йўлини танламоқда. Рамзий маънода айтганда, биз девор эмас, қўп-рик барпо этмоқдамиз».

Мақолада айтилганидек, ташқи ҳамкорлик билан халқаро муносабатларнинг ягона субъекти сифатида мулоқот қилса, унинг овози янада баландроқ ва ишончлироқ янграйди.

Абдулла НУТМАНОВ,
Транспорт, йўл ва капитал
қурилиш, қурилиш индустрияси
хотимлари касба уюшмаси
Республика кенгаши раиси



ЎЗБЕКИСТОНГА ИШОНАМИЗ...

Шу йил июль ойида Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси Фурқат Сиддинов ҳамда Ўзбек-Америка Ассоциацияси - «MahallaUSA» президенти, «Мустақиллик», «Наврўз кубоги» каби футбол мусобақалари ташкилотчиси Абдумалик Аҳмедов ташаббуси билан АҚШда ватандошлар фан-клубини ташкил этиш бўйича келишувга эришилган эди.

29 июль куни АҚШда яшовчи бир гуруҳ ватандошлар билан ўтказилган онлайн-учрашувда мухлислар фан-клубни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Яқинда, яъни 5 декабрь куни «Mahalla-USA» делегацияси Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасига ташриф буюриб, футбол бўйича 2026 йилги жаҳон чемпионати муносабати билан дипломатлар билан учрашди. Унда «Uzbek American Compatriot Fan Club»ни ташкил этиш ҳамда келгусидаги режалар бўйича бир қатор келишувларга эришилди.

Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси биринчи котиби Юнусхон Саидхўжаев «Mahalla-USA» ассоциацияси вакиллари

билан суҳбатлашаётган вақтда даврага афсонавий ўзбек футболчиси Миржалол Қосимов ҳам қўшилди.

Маълумки, терма жамоамиз биринчи ўйинни Мексика пойтахти Мехико шаҳрида ўтказиш ва у ерга АҚШнинг турли шаҳарларидан юзлаб ўзбек мухлислари боришга шай.

Навбатдаги жаҳон чемпионатида терма жамоамизга Ўзбекистондан ва ўзбеклар истиқомат қилаётган дунёнинг турли мамлакатларидан кўплаб ишқибозлар стадионларда мухлислик қилиш ниятида. Бўлажак чемпионат олдида «Favotga Film» ўзбек киностудияси Американинг «Miraf Entertainment» компанияси билан ҳамкорликда

Эътироф

«Mahalla-USA» ассоциацияси иштирокида АҚШда бўлиб ўтаётган жаҳон чемпионати арасида Нью-Йорк ва Тошкент шаҳарларида премьераси қўйилган «АҚШда ўзбек футболчи» (ишчи номи) ҳужжатли фильми устида иш бошланди.

Вашингтонга келиб, қўрға ташлаш маросимига қира олмаслигимизни англаб, ресторанга йўл олдик...

...Экранда FIFA раҳбари Жанны Инфантино АҚШ Президенти Дональд Трампни халқаро футбол Федерациясининг Тинчлик мукофоти билан тақдирлагани намоиш этилди.

Дарвоқе, шу йилнинг сентябрь ойида Жанны Инфантино Тошкентга ташриф буюриб, Президент Шавкат Мирзиёев қўлдан мукофот («Дўстлик ордени») олган эди.

Қўрға натижаларига кўра, Ўзбекистон терма жамоаси «К» гуруҳидан жой олгани ҳаммага маълум. Рақиблар: Колумбия (17 июнь, Мехико, Мексика), Португалия (23 июнь, Хьюстон, АҚШ) ҳамда Конго ДР, Ямайка ва Янги Каледония иштирокидаги плей-офф голиби (27 июнь, Атланта) бўлди.

Қўрға ташлаш маросимида бошловчи Португалия ва Ўзбекистон терма жамоалари ўртасидаги ўйин дуранг билан якуланса, ажабланмаслигини таъкидлади. Яхши башорат!

Плей-оффга ўз гуруҳларида дастлабки икки ўринни эгаллаган ва шунингдек, (кўрсаткичи яхши) учинчи ўринни олган 8 та терма жамоа чиқади.

Ишонимизки, Ўзбекистон миллий терма жамоаси гуруҳда камида иккинчи ўринни эгаллаб, кейинги босқичга йўл олади...

...Биз Вашингтондан Нью-Йоркка хушқайфиятда қайтдик.

«THE BUKHARIAN TIMES»
нашридан қисқартириб
олинди

ОДАМЛАР ДАРДИНИ ЎЙЛАБ ЯШАШ – БАХТ



Тошкент кимё-технология институтининг Янгир филиалида Ўзбекистон касабасабаси уюшмалари Федерациясининг «Очиқ эшиклар кунини» ҳамда сайёр қабули бўлиб ўтди. Вилоят прокуратураси, жамоат ташкилотлари вакиллари, касабасабаси фаоллари, филиал профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон касабасабаси уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Қо-билжон Қирғизалиев юртимизда олиб борилаётган бугунги ислохотлар, тарихий юксалишлар, Янги Ўзбекистоннинг янги касабасабаси уюшмалари фаолияти ҳақида батафсил тўхталди.

– Одамларнинг дардини ўйлаб яша-ш, элга наф келтириш йўлида хизмат қи-лиш – олий бахт, – деди Қ.Қирғизалиев. – Энг халқчил ва катта нодавлат ташки-лот бўлган касабасабаси уюшмаларининг фао-лияти ана шу мақсадларга йўналтирил-ган.

Мулоқот чоғида норматив хужжатлар билан ишлаш, меҳнат муҳофазаси, бахт-сиз ҳодисаларнинг олдини олиш, иш вақти режимини белгилаш, ишчиларни махсус кийим-кечаклар билан таъмин-лаш, Меҳнат кодексига киритилган ўз-гарттиришлар борасида қатор саволлар берилди. Федерациянинг ҳуқуқий бў-лим мудирини Ҳамидулла Пиримқулов

уларнинг барчаси бўйича атрофлича ту-шунтириш берди. Иштирокчилар томо-нидан кўтарилган айрим масалалар шу жойнинг ўзида ҳал этиладиган бўлди.

Институтнинг 1-босқич талабаси Жавоҳир Инадуллаев сайёр қабул учун миннатдорчилик билдиаркан, бу каби мулоқотлар ёшлар фаоллигини оши-ришда муҳимлигини таъкидлади.

Тадбир хайрли амаллар билан да-вом этди. Бир гуруҳ касабасабаси фаолларига китоблар тақдим этилди. Ўқув даргоҳи ҳудудига кўчатлар ўтказилди.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»

Очиқ мулоқот

Ўзбекистон ка-саба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши «Раҳбар ва ёшлар» учра-шувини ташкил этди. Конститу-циямизнинг 33 йиллиги ҳамда мадҳиямиз қабул қилинган кун му-носабати билан ўтказилган ушбу тадбирда олий таълим муасса-саларида таҳ-сил олаётган ва меҳнат жамоа-ларида фаолият юритаётган тала-балар ҳамда иш берувчилар қат-нашдилар.

Кенгаши раиси Эркинжон Нуралиев улар билан самимий суҳбатлашди. Кўпчиликни ташвишланти-раётган ва ўйлантираётган масалаларига қизиқди, улар-нинг орзу-умидларига кулоқ тутди. Шу билан бирга, Пре-зидентимизнинг жорий йил 30 июнь кунини ёшлар билан учрашувда белгилаб берил-ган вазифалар, бугунги кунда юртимизда амалга оширила-ётган кенг кўламли ислохот-лар, яратилаётган шарт-шар-оитлар ҳақида сўз юритиб, йигит-қизларни бундай им-кониятлардан унумли фой-даланишга ундади. Ўзбекис-тон касабасабаси уюшмалари ҳара-катининг 120 йиллик тарихи ва ходимларнинг ижтимо-ий-иқтисодий манфаатла-рини ҳимоя қилиш борасида

Менга не ишқу, не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур.

Алишер Навоий



РАҲБАР ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ

олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот бериб ўтди.

Бугунги кунда вилоятда 700 минг нафардан зиёд иш-чи-ходимлар касабасабаси уюш-малари атрофида бирилаш-ган. Шундан 205 минг нафар-дан ортигини ёшлар ташкил этади. Албатта, уларнинг ма-роқли дам олишларига, та-рихий қадамжоларга саёхат-ларга юборишга, иқтидор ва салоҳиятларини рўёбга чиқа-ришга алоҳида эътибор қара-тилмоқда.

Биргина жорий йилнинг шу даврига қадар 200 на-фардан зиёд ёш ишчи-хо-дим касабасабаси уюшмалари та-сарруфидидаги сиҳаттоҳларда мароқли ҳордиқ чиқариб, са-ломатлигини тиклаган бўлса, 2 минг нафардан ортиги рес-

публикамизнинг диққатга сазовор жойларига бепул саё-ҳатга юборилди.

Учрашув давомида йи-гит-қизлар касабасабаси уюшмалари фаолияти бўйича ўзларини қизиктирган саволларга ба-тафсил жавоблар олишди. Шу-нингдек, Фарғона давлат тех-ника университети 3-курс та-лабаси Нодирахон Кенжаевага «Касабасабаси уюшмалари стипен-дияси» ҳамда Ахборот ресурс маркази кутубхоначиси Уми-раҳон Расуловага касабасабаси уюш-малари тизимидаги сиҳат-тоҳда даволаниш учун бепул йўланма топширилди. Фаол иштирокчилар эса эсдалик совғалари билан рағбатланти-рилди.

Жамшид ЭРТАШЕВ
«ISHONCH»

Маънавият соати

ЎЗАРО ИШОНЧ ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тош-кент Темурбеклар мактаби ҳарбий академик лицейи-да Президентимизнинг «Марказий Осиё янги давр остонасида» мавзусидаги мақоласи юзасидан маъна-вият соати ўтказилди.

Унда сўзга чиққанлар томо-нидан давлатимиз раҳбари ушбу мақолада бугунги кунда минтақамизда кечаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни чуқур таҳлил қи-либ, Марказий Осиёнинг яқин ва узоқ истиқболдаги ривожланиш йўналишлари бўйича ҳар томон-лама асосланган стратегик қа-рашларни баён этгани эътироф этилди. Ўзбекистоннинг кейинги йилларда Марказий Осиё дав-латлари билан олиб бораётган яхши қўшничилик алоқаларига алоҳида урғу берилди. Чегара, сув-энергетика масалалари ижо-бий ечим топгани, минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйи-ча ҳамкорликда иш юритилаёт-гани таъкидланди.

Маънавият соатида Тош-кент шаҳрида бўлиб ўтган Мар-казий Осиё давлатлари раҳбар-ларининг еттинчи Маслаҳат учрашувининг иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини ривож-лантиришдаги ўрни ва роли ҳақида ҳам маълумотлар бе-рилди.

Нормурод ҲАСАНОВ,
Тошкент шаҳар кенгаши меҳнат инспектори

Мингбулоқлик Азиза Нурматова (исм-шарифи ўзгартирилган) минг бир яхши орзу-ниятлар ила турмуш ўртоғи билан бир ёстиққа бош қўйди. Кечагидай эсида, балоғатга етган қизини узатаётган ота-онаси Яратгандан бахт-иқбол сўраганиди.

ЯХШИЛАР МУДОМ БОР БЎЛСИН

Лекин «Одамнинг оласи ичида бўлади», «Синалмаган отнинг сиртидан ўтма», деганларидай, бир йил ўтиб-ўтмасдан куёви-нинг хурмача қилиқлари чиқа бошлади. Ичиб келиб, жанжал қилишга одатланди. Жигарбан-дининг овқати учун пул топиб беролмаган ота ҳақида яна нима дейиш мумкин?! Ҳатто, маст ҳо-латда пичоқ олиб, бир қўлида эмизикли норасида фарзанди бўлган аёлига ташланди.

Ҳаммасидан ҳам куёвнинг уйидагилари уни тошбўрон қи-либ ҳайдаганлари ошиб тушди. Ёшгина жувон ҳам тоғ эмаски, турмушининг бундай бешафқат зарбаларига дош беролса... Қўп ўтмай касалхонага тушиб қолди. Ўшанда кўнглидан қанчалик алам ўтганини ёлғиз Аллох, яна ўзи билади.

Яхшиямки, Ўзбекистон касабасабаси уюшмалари Федерациясининг 1211 рақамли «Ишонч телефони» бор экан. У хаста ҳолатида турмуш ўр-тоғидан алимент ундирилишини сўраб, бемехр эрига ва унинг оила аъзоларига қонуний чора кўриш-ларини сўраб сим қокди.

Шундан сўнг ўтказилган ўр-ганишлар жараёнида, тур-муш ўртоғининг хатти-ҳаракати-да ҳуқуқбузарлик аломатлари аниқланиб, Ўзбекистон Респуб-ликаси МЖТКнинг 183-модда-

сига асосан маъмурий жавобгар-ликка тортиш бўйича тўпланган хужжатлар жинойт ишлари бўйи-ча Мингбулоқ тумани судига юбо-рилди.

Чустлик ёлғиз она Моҳира Элибоева (исм-шарифи ўзгарти-рилган) ҳам фарзанди болалар богчасига қатнаши, нафақа пули ололмагани сабабли ойлик ба-дални тўлашга қийналиб қолга-нидан моддий ёрдам сўраб, 1211 рақамли «Ишонч телефони»га мурожаат қилди.

Мутасаддилар ахволдан ха-бардор қилинган, фарзанди бог-чада бепул тарбияланиши учун имтиёз берилди.

– Ёлғиз аёл бўлганим учун ис-сиқ-совуқ кунларни бошдан ке-чирдим. Фарзандим – овун-чоғим. У билан дунё ташвиш-ларини унутгандай бўламан. Лекин кейинги пайтда шу но-расидамнинг моддий таъминоти-да анча қийналиб қолгандим. Раҳмат, «Ишонч телефони» оғир кунларимда далда бўлди. Ўғил-чам улғайиб, эл қаторига қўшил-ганда яхшиларнинг кўмаги би-лан жамиятда ўз ўрнини топга-нини сира унутмайман, – дейди Моҳира Элибоева биз билан суҳ-батда.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»



ИШ БЕРУВЧИНИНГ ИДДАОСИ ЎТМАДИ

8 йилдан буён Жиззах шаҳри перинатал марказида кичик тиббиёт хо-дими бўлиб ишловчи Маҳлиё Санақулова ўзи фаолият юритаётган ши-фохона масъуллари устидан шикоят қилишни хаёлига ҳам келтирма-ганди.

Ҳаммаси у тугуруқ таътили тугамасдан иш жойига қайтмоққа қа-рор қилганидан сўнг бошланди. Нима учундир марказ мутассад-дилари «Фарзандингиз 2 ёшга тўлмагунча ишга ололмаймиз», деган иддао билан унинг меҳнат фаолиятини давом эттиришга рози бўлмадилар. Аёлнинг боласини бувиси қарамоғида қолдираётгани, моддий шароити оғирлиги боис ишга чиқишга мажбур бўлаётгани ҳақидаги вазилари ҳам инобатга олинмади.

Маҳлиё Санақулова Ўзбекистон касабасабаси уюшмалари Федерацияси-нинг 1211 рақамли «Ишонч телефони»га кўнгиноқ қилган, масала зуд-лик билан ўрганилиб, муаммо ҳал этилди.

Алижон АБДУСАТТОВ
«ISHONCH»

ҲЕЧ БИР АЁЛ ЁЛҒИЗ ЭМАС

лаштириш бўлимида оддий ишчи бўлиб ишлар, 2014 йилда тузилган боласига 2022 йилнинг январь ойи-дан ногиронлик нафақаси тайинланган экан. Қола-верса, шу чоққача туман ҳокимлиги ва ҳомийлар бу оилани имкон қадар қўллаб-қувватлаб келган. Хусу-

сан, 2023 йили уйининг том қисми шифер қилин-ган, эски пол таъмирланган, дераза ва эшиклар ўр-натилиб, ички пардоз ишлари бажарилган. Ташқи деворни таъмирлаш учун қурилиш материаллари ажратилган.

ҚОҒОЗДА ҲАММАСИ РИСОЛАДАГИДАЙ

Нилуфар Раҳимова эса ҳамон ишсиз...

Нилуфар Раҳимова Қарши тумани Хонобод маҳалласида ижарада яшайди. Турмуш ўртоғи II гуруҳ ногирони, тўшакка михланиб қолган. Табиийки, оиланинг моддий имконияти чекланган. Нилуфар эса ша-роитини яхшилаш мақсадида олий ўқув юртига ўқишга кирди. Қарши шаҳридаги Ахборот технологиялари ва менежмент университетининг бошланғич таълим факультетида 3-босқични тамомлагач, иш сўраб, Қашқадарё вилояти ҳокимига мурожаат қилди. Масала юзасидан би-риктирилган бошқарманинг Қарши шаҳар бўлими бошлиғи Баҳодир Мўминов айна пайтда бўш иш ўринлари йўқлигини, 2025 йил сентябрь ойдан иш билан таъминлаши мумкинлигини айтди.

Масъуллар унганча Нилу-фарни Хонобод маҳал-ласида жойлашган 26-давлат мактабгача таълим ташкилотига вақтинча ишга жой-лаштиришди. Муассаса мудираси эса уни ёрдамчи тарбиячи сифа-тида қабул қилиши, лекин ўзига тегишли бўлган уй богчасида ишлаши лозимлигини айтди. Пулга мухтожлиги боис Нилуфар ушбу тақлифга рози бўлди. Бироз вақт ўтиб, Қарши шаҳар Мактаб-гача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи Баҳодир Мўминов Нилу-фар Раҳимовани хонасига қақи-риб, ундан ишга жойлашгани, ҳеч қандай эътирози йўқлиги ҳақида ёзиб беришини, 2025 йил сентяб-рдан эса иш билан таъминлашини ваъда қилди. Аризани олган, гўё мурожаат ижобий ҳал этилга-нини билдириш учун мулоқот жа-раёнини суратга олишди.

Нилуфар Раҳимова мудира-нинг уй богчасига 20 нафар бола топиб бориш мажбуриятини

олди, бироқ топшириқни бажаролмай, ишсиз қолди. Шундан сўнг Ўзбекистон касабасабаси уюш-малари Федерациясининг 1211 рақамли «Ишонч телефони»га кўнгиноқ қилди. Қашқадарё вило-ياتи прокуратураси мурожаат юзасидан ўрганиш олиб боргани, Қарши туманидаги 26-давлат мактабгача таълим ташкилотига тарбиячи вазифасига ишга жой-лаштирилиб, мурожаат қаноат-лантирилганини маълум қилди. Асос сифатида ўзи ёзган аризани мисол келтирди.

Нилуфар Раҳимова прокура-туранинг хатини олмани, ҳа-мон ишсиз экани ва контрактини тўлашда қийналаётганини таъ-кидламоқда.

Шу ўринда савол туғилади: му-рожаат фақат қоғозда ҳал бўлиб қолаверадими? Инсон тақдирига юзак муносабат қачон ўзгаради?

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Маҳалла еттичилигининг тегишли қарорига му-вофиқ, «Саховат ва қўмак» жамғармаси ҳисобидан оилага 7 миллион 752 минг 500 сўм маблағ ажра-тилди. Бундан ташқари, ҳовлисида қўшимча ту-раржой барпо этиш учун туман ободонлаштириш бў-лими томонидан усталар бириктирилди.

Мухаббат ТўРАБОЕВА
«ISHONCH»

Хар кимдан кенгаш олдим, хар кимдан фикр ўргандим: қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгил хазинасида сақлаб, ишлата билдим.

Амир Темур

2025 йил 10 декабрда Президентимизнинг «Нақдсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш ва яширин иқтисодиёт улушини қисқартиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Аслида бу икки йилдан буён муҳокама қилинаётган, иқтисодий тартиб-интизомни қатъийлаштиришга қаратилган муҳим ҳужжат эди. У молиявий интизомни кучайтириш, яширин айланмаларни қисқартириш ва рақамли иқтисодиётга ўтишни тезлаштиришга доир кенг қамровли фармонлардан бири бўлди. Янгиликлар эса шунчаки маъмурий тартиб-қоида эмас, балки улкан иқтисодиётнинг ички «қон айланиш тизими»ни тозалашга қаратилган туб ислохотлардир.



ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва иқтисодий барқарорлик

ИЛГАРИ МУАММО НИМАДА ЭДИ?

Ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистонда яширин иқтисодиётнинг улуши ЯИМга нисбатан 30-40 фоизни ташкил этмоқда. Бу ривожланаётган давлатлар орасида анча юқори кўрсаткичдир. Яширин айланманинг асосий манбалари эса қуйидагилардан иборат:

- савдо-сотиқнинг нақд пулда амалга оширилиши;
- хизматлар қийматини камайтириб кўрсатиш (*«икки хил дафтар» юртиш*) амалиёти;
- ҚҚС тўловидан қочиш схемалари;
- коммунал ресурс истеъмолининг яширилиши;
- кўчмас мулк ва автомобиль олди-сотиқда нақд пул айланмасининг юқорилиги.

Ана шуларнинг оқибатида бюджет йиллик ўнлаб триллион сўм солиқ тушумидан маҳрум бўлар, давлат статистикаси реал иқтисодий ҳолатни тўлиқ ақс эттирмас, соғлом рақобат қондаларига

амал қилувчи тадбиркорлар зарар кўриб келаётган эди. Аҳолининг нақд пулга боғлиқлиги ҳам юқори даражада қолаётганди.

ФАРМОНДАН КУТИЛАЁТГАН ЯНГИЛИК

1. Яширин иқтисодиётни 1,3 баробарга қисқартириш мақсад қилинмоқда. Агар ушбу кўрсаткичга эришилса, давлат бюджетига ҳар йили миллиардлаб қўшимча маблағ келиб тушиши, шунингдек, иқтисодий ўсиш барқарорлиги таъминланиши турган гап.

2. Нақдсиз тўловлар улушини 75 фоизгача ошириш режалаштириляпти. Айни пайтда бу кўрсаткич турли соҳаларда 40-55 фоиз атрофида. Демак, деярли икки баробар ўсиш савдо айланмаси шаффофлашувига хизмат қилади.

Ҳужжат билан тўловлар нақд пулсиз амалга ошириладиган соҳалар белгиланди. Давлат хизматлари (*биометрик паспорт олиш, рўйхатдан ўтиш, нотаariat ва бошқа хизматлар*), коммунал хизматлар (*электр энергияси, газ, сув таъ-*

миноти), шулар жумласидандир. Бу соҳалардаги «қора ҳисоб-китоб» йўллари бутунлай ёпилади.

Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари савдосида яширин айланма катта улушга эга. Ёнилғи қуйиш ва электр қувватлаш шохбчалари яширин айланманинг энг катта манбаларидан бири саналади. Нархи 25 миллион сўмдан юқори товар ва хизматлар (*қимматбаҳо техника, қурилиш материаллари, мебель, заргарлик буюмлари*) асосан нақд пулга сотилади. Кўчмас мулк ва ишлаб чиқарилганига 10 йил тўлмаган транспорт воситалари эса бозорда нақд пул айланмасида етакчи роль ўйнайди. Янги тартиб жорий этилгач, буларнинг барчаси жиловланиб, бозор мутлақо шаффоф шаклга ўтади.

Ўшш, бундан одамлар қанчалик манфаат кўради? **Биринчидан**, қулайлик ва тезкорлик: барча операциялар электрон шаклда амалга оширилади. Натижада навбатлар қисқаради, ҳисоб-китоблар аниқлашади. **Иккинчидан**, ҳимоя кучаяди: электрон чек борми, демак, ис-

теъмолчи ҳуқуқи қафолатланади. **Учинчидан**, ҳақиқий бозор нархлари шаклланади: ҳар бир тўлов қайд этилгач, бозорда нархлар сунъий оширилиши камаяди. **Тўртинчидан**, инфляцияга босим пасаяди: нақд пул айланмаси қанча кам бўлса, инфляцион босим ҳам шунча сусаяди.

Ҳужжатда белгиланган вазифалар амалиётга татбиқ этилгач, давлат бюджетига тушумлар ортади. Яширин ишлаган корхоналар қонуний майдонга чиқади. Пировардида солиқ базаси кенгайди. Тизимли, коррупциядан холи бозор эса хорижий сармоядорлар учун хавфсиз мухит демакдир.

ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ҚАНДАЙ?

Маълумотларга кўра, Жанубий Кореяда тўловларнинг 90 фоизи нақд пулсиз амалга оширилади. Уларни рақамлаштириш орқали яширин иқтисодиёт 20 йил ичида 2,5 баробарга камайган. Швецияда савдоларнинг 96 фоизи электрон шаклда олиб бо-

рилади. Бюджет тушумлари 15 фоизга ошган.

Қўшни Қозоғистонда сўнгги 7 йилда POS-терминаллар сони беш баробарга ошиб, рақамли чек орқали ҚҚС тушуми кескин кўтарилган.

Грузияда кўчмас мулк битимларини электронлаштириш яширин айланмани 40 фоизга қисқартирган.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, Ўзбекистон ташлаётган қадам айнан шу моделларга яқинлашиш сари ҳаракатдир. Фармоннинг асосий таъсири солиқ тизимини соғломлаштириш ва рақамли иқтисодиётга ўтишни тезлаштиришда намоён бўлади.

БУ ЧЕКЛОВ ЭМАС – ЯНГИЛАНИШ

Жорий этилаётган тартиб-қоидалардан асосий мақсад – назоратни кучайтириш эмас, балки иқтисодиётни соғлом, адолатли ва шаффоф қилиб қайта қуришдан иборат.

Тўғри, бунга осонликча эришилмаслиги, баъзи тўсиқлару қийинчиликларга дуч келишимиз мумкин. Аммо ҳар қандай вазиятда ҳам ортга чекинмаслик зарур. Зеро, бу мамлакат учун иқтисодий ўсиш, бюджет барқарорлиги ва келажак сари ташланган муҳим қадамдир.

Мухими жараён бошланди. Қолганини вақт кўрсатади.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ «ISHONCH»

Мулоҳаза

АЁЛ ФОЖИАСИДА АЙБДОР КИМ?

ҚУЮШҚОНДАН ЧИҚҚАН ХОТИН

Табиий газ таъминоти корхонасида ўндан ортиқ киши навбатда турган экан. Мен ҳам рўйхатга ёзилдим. Соат 11 га яқинлаб қолгани учун ичкарига тушликкача кира олмаслигимга ишончим комил эди. Аммо шунча одам қутаётганини кўриб, кетмадим.

Шу пайт тор либос кийган аёл кириб келди. У дарҳол ҳамма киришга интиқ эшикка йўналди-да, «Навбатда биринчи ким, иккинчи ким, учинчи ким?» дея аниқлаштириб олди. Кейин дўқ қилди: «Мен тўртинчидан, ҳозир муҳандиснинг хонасига кириб чиқаман, унганча навбатим келиб қолади».

Одамлар норози оҳангда чувуллаб бошлади, бунга жавобан эркакшода хотин чўнтагидан қандайдир ҳужжатни чиқариб: «Мана, ногиронлик гувоҳномам, навбатсиз киришга ҳақим бор», деди. Орага ёши катта эркак қўшилди: «Навбатга туринг, биз ҳам эрталабдан бери шу ердამиз». У шуни кутиб турган эканми, «портлади»: «Ифлос, сен қанақа эркаксан, аёллигимнинг ҳурмати йўқми, сендан сўрамайман, ҳароми...». Хуллас, бир неча дақиқа жағи тинмади.

Кейинги ҳақоратлардан, аниқроғи, сўқишлардан кўпларнинг қулоғи алвон тусга кирди. Эркак бундай жавобни кутмаган шекилли, эсанкираб қолди. Жаҳлдан юзи, тугилган мушти қизариб, зўрга ўзини босди.

Очиғи, унинг сабрига, асабларига ҳавасим келди. Аёллардан бири: «Ака, ҳафа бўлманг, суюкоёқча ўхшайди, ўзи нима, гапи

нима?», деганча тасалли берган бўлди. Яна кимдир қўшилди: «Ёши 30 га кирган ё кирмаган экан, бу ерда пенсионерлар навбатда турибди. Эл қатори турса, ўлиб қолмасди». «Бундайларни биламан, ҳозир нимадир деганингизда органга чопарди, «шантаж»лик қилиб, сизни «соғмоқчи» эди», дея бошқа биров гап сукди.

Айтилган фикрларга ичимда қўшилган бўлсам-да, мени бошқа нарса ўйлантирарди, бунчалик нафратнинг сабаби нимада, бу даражада қуюшқондан чиқиш учун аёл қандай азобларни бошидан ўтказган?

ҚОНЛИ ПИЧОҚ

Зомин туманининг «Мустақиллик» маҳалласида яшовчи эркак кўчада дайдишни одат қилган ўғлига танбех беради. Ота-боланинг суҳбатига аралашган она фарзандини ҳимоялаб, турмуш ўртоғини айблаб бошлайди. Эрининг уй-рўзгор ташвишларини елкасига олмаётгани, хусусан, ҳовлиси деворсиз эканлигидан нолийди.

Хотинининг шангиллашлариға жавобан эркак деворсиз ҳам ҳаёти яхши эканлигини билдиради. Шунда аёл стол устидаги ошхона пичогини жаҳл билан эркакка улоқтирган. Нафратнинг кучими, ё бахтсиз тасодиф туфайлими, тиг унинг юрагига санчилган. Кўрсатилган муолажаларга қарамасдан, жабрланувчи ҳаётдан кўз юмди...

Сезган бўлсангиз, сўнгги йилларда хотин-қизлар мудҳиш жиноятларга қўл уришмоқда. Она боласини ўзи билан бирга сувга чўктиришга уринмоқда, қақалогини дера-

задан улоқтирмоқда. Ўз миллатдошини сотиб, фоҳишалikka маҳкум қилаётганлар, ўғрилиқ, босқинчилик, қотиллик қилаётганлар ҳам учраяпти. Булар ҳақида эшитганимизда юрагимиз титрайпти-ю, ачинашдан ўзгасига ярамайпмиз, нафратимиз келаяпти-ю, ажабланмаяпмиз.

Шулар ҳақида ўйлар экансиз, улар ҳам ор-номусни ҳар недан устун қўйган миллатнинг фарзандларими, деган саволни ўзингизга берганингизни сезмай қоласиз? Умуман олганда, аёллар жамиятдан алоҳида эврилаётгани йўқ, инсоният ўзгаришлар гирдобига тушиб қолган. Тараққиёт деймиз, Ғарб маданиятининг таъсирими, ҳамманинг бошқача яшагиси, атрофидагилардан устунроқ бўлгиси келаётир.

ЭРКАКНИНГ ОИЛАДА ЎРНИ ЙЎҚОЛСА...

– Оилада қизга меҳр ва тарбия берилмаслиги уни ножўя ҳаракатларга ундайди, жиноят кўчасига етаклайди, – дейди Жиззах вилояти ИИБ психологи, капитан Омон Анорбойзода. – Ота-оналар жуда банд бўлганидан ёки бепарволикдан болани тақдир ихтиёрига ташлаб қўйган. 13-14 ёшида қиз қулчилик етади. Айни шу даврда болани кучли назорат қилиш керак. Яъни, тарбия ҳеч қачон тўла эркинликни ёқламайди. Болаликдан инсоннинг қулоғига қонун ҳамда гуноҳ тушунчаларини сингдириб бориш зарур. Ана шунда ҳақ ёки эгри йўлни танлашга тўғри келганида адашилмайди.

Моддий, маънавий ва биологик эҳтиёжларнинг қондирилмаслиги ҳам хотин-қизларни калтис йўлларга бошлаши мумкин. Эр

томонидан ана шу уч талабнинг бажармаслиги аёлни вазиятни қўлга олишга ундайди. Оқибатда эркакнинг оилада, жамиятда ўрни йўқола бошлайди. Кейинги босқичда келишмовчиликлар, ўзаро ишончсизлик, ҳурматсизлик муҳити юзага келади. Бундай шароитда улғайган қиз турмушга чиққандан сўнг оиласида сингдирилган тартибни янги уйида ҳам жорий этишга интилади.

Аёл ҳаётини эркакнинг муштурмўрлиги, хиёнатига ҳам издан чиқариши мумкин. Яъни, у оиладан топа олмаган ширин сўзни, меҳрни қўчадан кидиришга тушади, ўч олмоқчи бўлади. Тўғри, узокни ўйлайдиган, таҳлил қиладиган, ёшлиқда тўғри тарбия берилган аёл ҳар қандай ҳолда бундай ишлардан тийилади. Хотин-қизларни билимли қилиш, иш билан таъминлаш мазкур муаммонинг ечимлари сирасига киради.

Фикримизча, оммавий ахборот воситалари, хусусан, ижтимоий тармоқлар ҳам аёлларни ножўя хатти-ҳаракатларга ундаяпти. Тўхтовсиз сингдирилаётган салбий маълумотлар одамларда шундай қилиш мумкин, деган ҳулосани уйғотаётир. Ҳулоса шуки, фарзанд тарбиясига бефарқ қарамайлик, оналаримиз, опа-сингилларимиз, рафиқаларимизни эъоззлайлик. Ана шунда улар ҳаммиша меҳр, номус ва садоқат тим-соли бўлиб қолади.

Алижон АБДУСАТТОРОВ «ISHONCH»

Касаба уюшмаси аралашгач...

ТЎЛАНМАГАН УСТАМАЛАР ТЎЛАНДИГАН БЎЛДИ

Сўнгги йилларда давлат бошқарувини оптималлаштириш, корхона ва ташкилотларда меҳнат муносабатларини шаффоф ва адолатли ташкил этиш борасида кенг қўламли ислохотлар олиб боришмоқда. Аммо, афсуски, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидалар амалиётда ҳар доим ҳам тўлиқ ўзифодасини топмаяпти. Оқибатда ходимлар ўзларига тегишли рағбатлантириш устамаларини вақтида ололмаяпти.

Амударё – Бухоро машина қанали АВМК Олот тумани бўлими мисолидаги вазият фикримизни тасдиқловчи ҳолат сифатида жамоатчилик эътиборига тушди ва «бу жойда меҳнатга ҳақ тўлаш тизими жорий талаб-қоидаларга қай даражада жавоб беради?» деган саволни келтириб чиқарди.

Меҳнат муносабатларига доир ҳуқуқий ҳужжатларни кўздан кечириш жараёнида Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 7 октябрдаги 645-қарорига илова қилинган рўйхатда АВМК Олот тумани бўлими расман Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги бюджет ташкилоти сифатида белгилангани аён бўлди. Демак, бошқармада меҳнат қилаётган кишилар ҳам вазирлик тарқибидати бошқа ташкилотлар сингари умумий рағбатлантириш механизмларидан фойдаланишлари мумкин. Қарорга илова қилинган меҳнат ҳақи ва моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомда ҳам вазирликка қарашли барча ижро органлари ва муассасалар ходимлари белгиланган устамаларни олиш ҳуқуқига эга экани очик баён этилган.

Масалага янада аниқлик киритиш мақсадида Президентимизнинг 2024 йил 7 майда қабул қилинган «Сув хўжалигида замонавий бошқарув тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш тўғрисида»ги фармонида белгиланган нормаларга эътибор қаратдик. Унда сув хўжалиги тизимидаги барча бюджет ташкилотлари ходимларига меҳнат стажига мутаносиб равишда ҳар ойлик устама тўлаш тартиби аниқ белгилаб қўйилган. АВМК Олот тумани бўлими ходимларининг лавозим машинаси ҳисоблашда 1,4 тариф коэффициенти қўлланиши ҳам таъкидланган. Аммо 29 нафар ходим ўтган давр давомида бирор марта ҳам устама олмаган. Бу ҳуқуқий нормаларнинг қўпол равишда бузилиши эмасми?

Маълум бўлишича, ҳолат юзасидан туман прокуратураси 2025 йил 12 апрелда Давлат молиявий назорати инспекциясига мурожаат йўллаган. Инспекция ўрганишларида белгиланган устамалар учун сарфланиши лозим бўлган маблағлар сметада режалаштирилгани, аммо амалиётда тўловлар умуман амалга оширилмагани тасдиқланган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспекторлари меҳнаткашлар манфаатларини қўзлаб, судга даъвоариза киритди. Суд 29 нафар ходим фойдасига жами 132 038 399 сўм миқдорига устама тўловлари ундириш ҳақида қарор чиқарди.

Тафсилотлардан кўриниб турибдики, айрим корхона ва идоралар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этмаяпти ёки бажарилиши лозим бўлган вазифаларни ўз вақтида бажармаяпти. Бундай камчиликлар, айниқса, бюджет ташкилотларида учрашини оқлаб бўлмайди. Демак, тегишли меъёрлар бузилишининг олдини олиш учун масъулиятни ошириш ва назоратни кучайтириш зарур.

Дилдора ИБРОҲИМОВА «ISHONCH»



САРАТОННИ ЕНГСА БЎЛАДИ

Бугун саратон(рак) касалига чалиниш ҳолатлари кўпайгани ҳақидаги хабарлар тез-тез қулоғимизга чалинмоқда. Дунё тажрибасида бу хасталик асосан ёши катта инсонларда учраса-да, аммо сўнгги йилларда у ўрта ёшдаги аёллар орасида анча кенг тарқалди. Касаллик ҳақида янада тўлиқ маълумотларга эга бўлиш ва тиббий маданиятимизни ошириш мақсадида Тошкент вилояти онкология диспансери бўлим мудир, тиббиёт фанлари номзоди Дилфуза НАБИЕВА билан суҳбатлашдик.

– Дилфуза опа, бугун ўлимга сабаб бўлаётган касалликларнинг катта қисми саратонга тўғри келмоқда. Айниқса, аёллар орасида бу хасталик кенг тарқалган. Келинг, аввало, саратон қандай касаллик эканини тушунтириб берсангиз...

– Тўғри айтасиз, олимларнинг таъкидлашича, бугун дунёда юз бераётган ўлимнинг тахминан 18 фоизи саратонга тўғри келмоқда. Бу ҳар олтига ўлимнинг биттасига сабаб ана шу касаллик эканини англатади. Саратон – организмдаги ҳужайраларнинг назоратсиз ва чексиз кўпайиши билан кечадиган оғир касалликлар гуруҳидир. Нормал ҳолатда ҳар бир ҳужайра белгиланган вақтда ўсади, ишлайди ва яна вақти келганда йўқолади. Лекин турли сабаблар туфайли генларда бузилиш (мутация) содир бўлса, ҳужайра ўзини назорат қилмай қўяди ва мунтазам равишда бўлинади. Бунда ўсимта атрофидидаги тўқималарни эзиб кириб боради, қон ёки лимфа орқали бутун танани эгаллаб олиши ҳам мумкин. Мана шу жараён саратон, деб аталади.

У ёмон сифатли ўсмалар гуруҳига кириб, метастаз бериши, яъни бошқа ички аъзоларга тарқалиши ҳам мумкин. Касаллик билан оғирган бемор организми ўсимта таъсирида заифлашиб, нормал тўқималарнинг фаолияти бузилади. Шундан келиб чиққан ҳолда саратон – ягона касаллик эмас, балки турли органларда пайдо бўладиган ёмон сифатли ўсмаларнинг умумий номидир.

– Касалликни қандай омиллар келтириб чиқаради? У асосан қайси давлатларда кўп учрамоқда?

– Саратонга олиб келувчи омиллар турлича. Аввало, ирсий мойиллик, нотўғри овқатланиш, тамаки чекиш ва алкоголь, вируслар (масалан, папиллома вируси, гепатит В ва С). Кейин захарли моддалар ва радиация, доимий стресс ҳамда гормонал бузилишлар ҳам ушбу касаллик билан хасталанишга олиб келиши мумкин.

Ирсий мойиллик шундай келиши мумкинки, кимнингдир онаси ёки ҳоласида кўкрак саратони аниқланган бўлса, ана шу яқинларининг касалликка чалинган ёшига етганда унда ҳам хасталик аниқланиши мумкин. Стресс

натijasида эса организмда кортизол миқдори ортиб кетади ва иммунитет сустлашади. Оқибатда ҳужайраларнинг мутацияга учраши тезлашиб, яллиғланишга қарши курашиш заифлашади. Эркин радикаллар кўпайиб, инсон ДНКси шикастланади. Бу ўз-ўзидан турли органларда хавфли ўсма ҳужайраларининг уйғонишига сабаб бўлади. Кучли стресс тўғридан-тўғри саратонни келтириб чиқаради, деёлмаймиз, аммо у касаллик келиб чиқишига қулай муҳит яратади. Гормонларнинг таъсирига келсак, сурункали шамоллаш ва яллиғланиш, уларни ўз вақтида даволамаслик, қолаверса, сурункали чарчоқ ва уйқусизлик ҳам инсондаги гормонлар мувозанати бузилишига олиб келади. Бу, айниқса, аёлларда кўкрак бези ва тухумдон саратони юзага келиш хавфини оширади.

Касалликнинг бутун дунёда энг кўп учрайдиган турлари – кўкрак бези ва бачадон бўйни саратони, жигар, ўпка, ошқозон, йўғон ичак, тери саратони ва қон касалликлари (лейкоз ва лимфома)лардир. Аксарият давлатларда тиббий хизматларнинг яхши йўлга қўйилмаганилиги, скрининг текширувларининг оммалашмагани боис саратон билан боғлиқ ўлим ҳолати кўп учрайди. Аҳоли сонига нисбатан энг кўп кўрсаткич Монголия ва Венгрия давлатларида эканлиги қайд этилган. Чунки у ерда одамлар сигарет, чилим кўп чекишда, алкоголь ва ёғли овқатлар истеъмоли юқори. Хитой, Ҳиндистонда эса аҳоли сони ҳисобига бу дарддан азият чекаётганлар ҳам кўп. АҚШда эрта ташхислаш, тиббий текширувлар сифати юқорилиги сабаб саратон ташхиси қўйилиши кўп, аммо даволаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Юртимиз бу борада ўртача кўрсаткичга эга давлат экани илмий манбаларда таъкидланади.

– Юқорида касалликнинг омил сифатида нотўғри овқатланишни ҳам айтиб ўтдингиз, келинг, шунга батафсилроқ тушунтириб берсангиз. Халқимиз орасида «Си-

фатсиз ўсимлик ёғи саратон кўпайишига сабаб бўляпти», деган гапларни эшитиб қоламиз. Бу қанчалик асосли?

– Овқатланиш, айниқса, ёғларни нотўғри истеъмол қилиш саратон хавфини сезиларли ошириши исботланган. Жумладан, инсон организмидидаги ортиқча ёғ ва семизлик ҳам шундай. Ортиқча ёғ ҳужайралари организмда гормонлар – эстрогеннинг ортиб кетишига ва инсулиннинг кўп ишлаб чиқарилишига сабаб бўлади. Бу гормонлар эса назоратсиз ўсимталарнинг кўпайишга туртки бўлади ва кўкрак, бачадон, тухумдон ҳамда йўғон ичак саратонига чалиниш хавфини келтириб чиқаради. Чунки аёлларда кўп учраётган тухумдон ва кўкрак саратони айнан эстроген гормони ортиб кетиши туфайли пайдо бўлади. Мамлакатимизда шунинг учун ҳам охириги пайтларда семиринишнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга сиёсат даражасида эътибор қаратилмоқда.

Ёғларга келадиган бўлсак, уларнинг тури кўп: трансёғлар – маргарин, тез тайёр бўлувчи таомлар таркибига қўшилаётган сифатсиз ёғлар, қовурилган гўштлар ошқозонга тушгач, ДНКга зиён етказувчи эркин радикалларни кўпайтиради. Натижада ҳужайралар мутацияга учраб, саратон пайдо бўлиши эҳтимоли ошади. Юртдошларимизга кўп қовурилган таомлар, айниқса, қайта-қайта ишлатилган мойлардан фойдаланмасликни тавсия қиламиз. Чунки бундай ёғларнинг қайта қиздирилиши натижасида улар таркибида канцероген моддалар (акриламида, полициклик ароматик углеводородлар) ҳосил бўлади. Бу моддалар эса ҳужайраларни тўғридан-тўғри шикастлайди ва касалликка мойил қилиб қўяди. Бундан ташқари, қайта ишланган гўштлар, колбаса, сосиска, консерваланган ва тузланган гўшт маҳсулотлари, хот-дог, лаваш каби тезпишар егуликларга солинган гўштларни ҳам камроқ истеъмол қилиш зарур. Жаҳон соф-

Киши учун энг фойдали, дилни ёритувчи нарса қаноатдир. Энг зарарли ва нафратли нарса ҳирс ва ғазабдир.

Абу Али ибн Сино

Саломатлик минбари

лиқни сақлаш ташкилоти қовурилган гўштни ҳафтасига 350-500 граммдан ортиқ емасликни, сосиска, колбаса имкон қадар чеклаш ёки умуман истеъмол қилмасликни тавсия қилади.

Унинг ўрнига зайтун, зиғир, ёнғоқ ва балиқ ёғлари ҳамда маҳсулотларини тановул қилган афзал. Қундалик уй шароитида арзон сифатсиз ёғлардан эмас, сифатли ва ишончли брендларнинг ёғларидан сотиб олган маъқул. Бундан ташқари, уй бекалари таомларга имкон қадар ёғ кам қўиши, олайлик 200 грамм ёғ кетадиган таомни 100 грамм ёғда пиширишга ҳаракат қилиши лозим. Бунинг ўрнига мева ва сабзавотлар ейишни кўпайтириш керак.

– Аёллар орасида кўкрак бези саратони ва бачадон бўйни саратони энг кўп учраши таъкидланади. Касалликнинг эрта аниқланиши эса шифо топиш имконини оширади. Опа-сингилларимизга уй шароитида бу касалликнинг белгиларини илғашни учун қандай маслаҳатлар берасиз?

– Тўғри айтасиз, юртимизда аёллар ўртасида учрайдиган ўсимта касалликлари орасида кўкрак бези ва бачадон бўйни, ундан кейин тухумдон саратони кўп ташхисланади. Аввало, ҳар бир хасталик организм эгасига белги беради. Фақат бунга аниқлаш лозим. Масалан, кўкрак бези саратонида аёллар сийнасида гадири-будурилик ёки қотиш пайдо бўлади. Кўкрак шакли олдингидан ўзгаради. Тери қисмида қизаришлар кузатилади. Сийнада оғриқсиз, баъзан енгил оғриқли пиши ҳам пайдо бўлиши мумкин. Кўкрак учидан ноодатий суюқлик, баъзида қонли суюқлик ажралиши мумкин. Бундай ҳолатларда аёлларимиз эътиборсиз бўлмасдан, зудлик билан шифокорга мурожаат қилишлари керак. Бир йилда камида бир марта маммография ёки УЗИдан ўтиш (40 ёшдан кейин, айниқса, жиддий қараш керак), ҳар ойда уй шароитида кўкракни текшириб қўриш, ортиқча вазидан сақланиш, ҳаракатда бўлиш, гормонал дориларни шифокор назоратида қабул қилиш лозим. Бачадон бўйни саратонида эса ҳайз орасида қон келиши, ноодатий оқиндилар хидли ёки кўп бўлиши, қорин ва бел қисмда доимий оғриқ кузатилиши мумкин. Кўч ҳолларда касаллик эрта босқичда ҳеч қандай белгиларини намойён қилмайди, шу боис мунтазам текширув жуда муҳим!

Мамлакатимизда бу касалликнинг олдини олиш борасида қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2024 йил 22 ноябрдаги «Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Унга қўра, оилавий поликлиникаларда саратонни эрта ташхислаш ва даволаш мақсадида маммография текширувлари ва лаборатор таҳлиллар олиш йўлга қўйилган. Натижада ҳар ойда олис ҳудудларда яшаётган опа-сингилларимиз ҳам кўриқдан ўтишмоқда. Касаллик эрта аниқланиб, уларнинг шифо топиш кўрсаткичи ошмоқда.

– Мазмунли суҳбат учун раҳмат!

**«ISHONCH» мухбири
Зебо НАМОЗОВА
суҳбатлашди**

ФИДОЙИ

(эссе)



1977 йили мени касабга уюшмалари вилоят кенгашига меҳнат техника инспекторлигига ишга таслиф қилишди. Кенгаш котиби (раис ўринбосари) раис қабулига олиб кирди. Рўпарамда оппоқ сочили, қорақош, юз-кўзларидан нур ёғилиб турган салобатли киши ўтирарди. Ҳали ёш бўлсам-да, кўп раҳбарлар билан ишлаганман, лекин бундай одамни биринчи бор учраттишим эди.

Маҳмуджон ака билан суҳбатимиз оддий, самимий бўлди. Менинг номзодимга раис ўринбосари Ю.Филиппов қаршилиқ қилгандек бўлди. «Биласизми, бу йигит ҳамма томондан яхши, русчани ҳам эркин гапирарди, сиёсий етук, бироқ партия аъзоси эмас-да», дея эътироз билдирди. Маҳмуджон ака унга бир хўмрайиб қаради-ю, мендан «Нега партияга кирмагансиз?», деб сўради. Кибернетика институтининг Намангандаги махсус бюросида ишлашимни, унда хали партия ташкилоти йўқлигини айтдим.

Ю.Филиппов бир нима деб оғиз очмоқчи эди, раис гапни қисқа қилди. «Мен қарши эмасман, қабул қилинсин», деб имзо чекди, аризмага. Шундан кейин пенсияга кетгунларича улардан кўп сабоқ олдим. Ишлаб чиқариш интизоми, анжуманларда нутқ сўзлаш, масалаларга ечим топиш, доимо янгилликка интилиш каби фазилатларни у кишидан ўргандим.

Мен Маҳмуджон акани вилоят раҳбарлари жуда ҳам эъзозлаб ҳурмат қилишларида гувоҳ бўлдим. Ҳатто вилоят партия кўмитасининг биринчи котибидан бошқа аппарат ходимлари кўнгироқ қилишга ботина олишмасди.

Маҳмуджон ака 1921 йили Наманган шаҳрининг марказида, Қуқуркча даҳасида (Усмон Носир таваллуд топан даҳада) туғилди. У кишининг отаси Эгамберди кўзга қўринган косиб бўлган. 1930 йили қулоқ сифатида сургун қилинган. Оқибатда рўзгор юки ёш йигитнинг зиммасига тушади. Бувиси қўни-қўшниларнинг ишларини қилар, кийим-кечак тикар, қўрпа-ёстиқлар қавирди. Маҳмуджон унга ёрдамлашарди. Отаси оқлашиб қайтгач, бутун эҳнани ўқишга қаратиб, шаҳарнинг намунали таълим даргоҳларидан бири ҳисобланган 4-мактабни аъло баҳоларга биттиради.

Шу ўринда таъкидлашни истардим: у масканда Ўзбекистон Фанлар академияси президенти бўлган академик Маҳмуджон Салоҳиддинов, жаҳон космонавтикасига жуда катта

ҳисса қўшган техника фанлари доктори, Бутунжаҳон муҳандислик академиясининг академиги Рашид Отахонов ўқишган.

Мактабни битиргач, Маҳмуджон икки йиллик ўқитувчилар тайёрлаш билим юртини тугатиб, 1939 йилдан Наманган туманининг Шўркўрғон қишлоғида ўқитувчилик қилишга киришди.

Кейин қирғинбарот... Иккинчи жаҳон урушидан сўнг катта лейтенант унвони билан захирага олинган Маҳмуджон Наманган шаҳар ижроия кўмитасининг масъул котиби бўлиб ишлаб бошлади. Шу билан бирга, Низомиёв номидаги Тошкент педагогика институтини тамомлач, Наманган ўқитувчилар институтига ректор этиб тайинланди.

Бу давр институтнинг тикланиш йиллари бўлиб, ўқув жараёнлари сифатини ошириш, моддий материал таъминотини юқори даражага кўтарिशга бор кучини аямади.

Маҳмуджон Эгамбердиев 1963-1968 йилларда касабга уюшмаларининг Андижон вилояти, 1968-1983 йилларда Наманган вилояти кенгаши раиси ва-зифаларида фаолият кўрсатди. Унинг иш усули, раҳбарлик салоҳияти, ўз ишига масъулият билан ёндашиши, ҳалоллиги барча жабадаги раҳбарлар учун ҳам, балки собиқ Иттифоқ касабга уюшмалари тизимидидаги касабга уюшма раҳбарлари учун ҳам намуна бўлди. У бошқарган вилоят касабга уюшмалари мунтазам равишда олдинги ўринларда эътироф этилган. Фаолияти даврида ҳудудда 78 та бола-лар оромгоҳи, йирик корхоналарда 15 та санаторий-профилакторий қурилган. Меҳнаткашларнинг ишлашлари ва дам олишлари учун соғлом иш шароитлари яратиш, саломатликларини тиклаш йўлида намунали ишлар йўлга қўйилган. Маҳмуд Эгамбердиевнинг саяё-ҳаракатлари ва раҳбарлигида касабга уюшмалари вилоят кенгаши янги биноси, Иттифоқда олтинчи пайларда Наманган велотреки, Наманган шаҳрида касабга уюшмалари тасарруфидида «Орзу» меҳмонхонаси қурилган. Меҳнатлари муносиват қадрлиги, давлат муқофотлари билан тақдирланган.

Оддийлик ҳам унга хос эди. Ўша пайтларда раҳбар ходимлар учун шифохоналар ташкил қилинганди. Лекин ўттиз йилдан кўп давр мобайнида вилоятнинг йирик раҳбарларидан бири, партия кўмитасининг бюро аъзоси бўлишга қарамай, бетоб бўлиб қолсалар аёли ҳамшира бўлиб ишлайдиган кичик шифохонада даволанарди.

Маҳмуджон Эгамбердиев 1986 йили юрак хуружидан кейин Чортоқ санаторийсининг реабилитация бўлимига ётқизилди. Мен ёнимда икки раҳбар билан қўргани борсам, шаҳарга кетибди. Кеч соат саккизларда асаби зўриққан ҳолда келди. Пенсияга чиққач, вилоят ижроқўми партия ташкилоти ҳисобиди бўлган. Ойлик партия аъзолик бадалини тўлаш учун шаҳарга бориб, кечгача бошланғич партия ташкилоти секретарини кутибди. Шу сабабми юраги яна хуруж қилди ва 15 август куни боқий оламга рихлат қилди.

Наманган шаҳридаги кўчалардан бериға Маҳмуджон Эгамбердиевнинг номи берилган. У ҳамон кўнчили-нинг қалбида ашмамоқда.

**Абдумуталиб ҚОСИМОВ,
касба уюшма фахрийси**

ЭЪЛОН

«E-AUTOTECH» МЧЖ



Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштириладиган авто, махсус транспорт, ускуналар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдосига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142 сонли қарорига асосан «O'zsanoatqurilishbank» АТБ балансида бўлган:

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор МФЙда жойлашган, 35 турдаги

текстиль дастгоҳлари сотиладди.

– Сотиш шарти ва нархи билан **e-autotech.uz** сайти орқали танишишингиз мумкин.

– Савдога қўйилган мулклар билан бевосита жойига чиқиб танишингиз мумкин.

– Савдода иштирок этиш учун талабгорлар **e-autotech.uz** платформаси орқали ариза беришлари мумкин.

Колл-центр: **+99855-517-22-20**. Расмий сайтимиз: **e-autotech.uz**

MUASSIS:



**2007-йил 11-январда
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.**

**«Ishonch» va «Ishonch-Доверие»
gazetalari tahrir hay'ati:**

Qudratilla RAFIQOV

(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doeverue»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:

G'ulomjon MIRAHMEDOV

Musahihilar:

Dilorom XUDOYBERGANOVA,

Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:

Hasan ABDUJALILOV

Boshiga topshirish vaqti – 21:30

Topshirildi – 22:00

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning

poligraf jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 079 ta

Shundan: 6 073 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadordlik kompaniyasi bosmaxonasi –

Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uyda;

18 125 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

7 881 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taбоq. **Buyurtma G-1211**

1 2 3 4 5 6